

Pearson BTEC Ўзбекистон 4-даража

Омбор назорати

соҳаси бўйича

Малакалар

3-модул: Омбор жараёнларини бошқариш

Ўқитувчи Ресурслари

1-нашр



Edexcel, BTEC va LCCI малакаси

Edexcel, BTEC va LCCI малакаси бутун дунёда тажрибадан ўтган ва тан олинган, академик ва касбий малака тақдим этадиган малака бериш бўйича Буюк Британияда энг йирик ташкилот ҳисобланадиган Pearson томонидан берилади. Қўшимча маълумот олиш учун qualifications.pearson.com сайтимизга ташриф буюринг. Бундан ташқари, сиз qualifications.pearson.com/contactus саҳифасида биз билан боғланиш учун берилган тўлиқ маълумотлардан фойдаланган ҳолда ҳам боғланишингиз мумкин.

Pearson ҳақида

Pearson – 70 дан ортиқ давлатда 35 000 дан зиёд ходимга эга бўлган, ўқитиш орқали инсонларнинг ҳаётида сезиларли ўсишга эришишни таъминлаш мақсадида барча ёшдаги одамларга ёрдам кўрсатиш устида ғайрат билан ишлаётган дунёдаги етакчи таълимга оид компания. Ўқувчилар компания манфаатларининг ва унга йўналтирилган ҳаракатларнинг маркази ҳисобланади, чунки ўқитиш тизимининг ривожланиши умуман инсонларга ижобий таъсир этади. Биз сизга ва ўқувчиларингизга қандай ёрдам беришимиз мумкинлиги тўғрисида qualification.pearson.com. сайти орқали кўпроқ билиб олишингиз мумкин.

Ушбу матнда келтирилган ташқи материалларга ҳаволалар ишончли ҳисобланади. Pearson ўзгартириш мумкин бўлган материалларнинг мазмуни ёки ҳар қандай билдирилган фикрларни маъқулламайди, тасдиқламайди ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. (Материал дарсликлар, журналлар, бошқа нашрлар ва веб-саҳифаларни ўз ичига олиши мумкин).

Мазкур ҳужжатдаги барча маълумот нашр этиш вақтига ҳақиқий ҳисобланади.

ISBN 978 1 446 97330 1

Ушбу нашрдаги барча материаллар

© Pearson Education Limited 2020 нинг мулки ҳисобланади.

Мундарижа

Кириш	1
3-модул: Омбор жараёнларини бошқариш	3
Ўқув қўлланма	3
Иш схемаси	7
Дарс режаси	23

Кириш

Ушбу буклет Pearson ВТЕС Ўзбекистон 4-даража Омбор назорати соҳаси бўйича малакалар спецификациясига қўшимча ҳисобланади.

Спецификация сизга нимани ўргатиш ва нимани баҳолаш кераклигини кўрсатиб беради. Мазкур буклет сизга буни қандай бажаришингиз тўғрисидаги таклиф ва ғояларни тақдим этади.

Ушбу буклет сизга амалий машғулотлар, реал сценарийлар, иш берувчиларни ўқув жараёнига жалб қилиш усуллари ва мустақил ўқишни бошқариш усуллари, шунингдек баҳолаш усуллари ўз ичига олган ҳолда таълим бериш ва ўрганиш бўйича ғояларни тақдим этади. Шунингдек, рисола спецификацияларнинг мазмуни амалда қандай ишлаши мумкинлигини кўрсатиб беради ва сизни малакани оширишнинг турли усуллари ҳақида ўйлашга ундайди.

Мазкур буклет сизга қуйидагиларни тақдим этади:

- малакадаги модулларни қандай олиб бориш бўйича қўлланма;
- малакадаги модулларини тақдим этишни қўллаб-қувватлаш учун тавсия этилган ресурслар;
- бутун малака бўйлаб барча модулларда қамраб олинган мавзулар, машқлар ва баҳолашларни кўрсатувчи иш схемалари;
- модулларнинг мазмунини ёритиш учун дарсларни қандай ўтказиш ҳақида батафсил қўлланмани ўз ичига олган дарс режалари.

Ушбу буклетдаги маълумотлар, малакаларни ишлаб чиқишда иштирок этган ўқитувчилар томонидан тузилган, шунинг учун улар ВТЕС малакасини тақдим этишнинг янги ва қизиқарли усуллари топиш қийинлигини тушунадилар.

Мазкур буклетда келтирилган ўқув қўлланма, малакани тақдим этишни режалаштиришда нимани эътиборга олиш кераклиги ҳақида маълумотни ўз ичига олади, шу жумладан:

- малакангизнинг тузилмаси
- қандай қилиб ўз ўқувчиларингиз учун малакани шакллантиришингиз мумкинлиги
- тегишли иш берувчилар билан қандай боғланишингиз ҳақидаги таклиф
- бошқа қўллаб-қувватлаш ва мавжуд ресурслар тўғрисида маълумот.

Биз сизга индивидуал қўлланма тақдим этмоқдамиз. У ўқув мақсадларига ва модуль таркибига бўлган ёндашувлар ҳақида таклифларни ҳамда қизиқарли ва турли хил машғулотлар учун ғояларни ўз ичига олади. Сиз шунингдек, унда ўз топшириқ ва вазифаларингизни қандай режалаштириш ва бажариш тўғрисида маслаҳатлар ва ғояларни топишингиз мумкин.

Биз ҳар бир модуль учун диққат билан саралаб олинган ресурслар рўйхатини киритдик. Ушбу ресурслар рўйхатига ўқувчиларингиз фойдаланиши учун ва/ёки ўзингиз ўқитишда қўшимча материал сифатида фойдаланишингиз мумкин бўлган китоблар, веб-сайтлар ва видеолар киритилган.

3-модул: Омбор жараёнларини бошқариш

Ўқув қўлланма

Модул билан танишиш

Ушбу модул ўқувчиларга омборнинг учта асосий вазифаси (қабул қилиш, сақлаш ва жўнатиш), шунингдек, омборни самарали, хавфсиз ва унумли сақлаш учун, ушбу функцияларни бошқариш ва назорат қилиш ҳақида тушунча беради. Ўқувчилар инсонлар, захиралар ва маълумотларнинг хавфсизлигини кузатиб турувчи раҳбарнинг қанчалик муҳимлигини тушунишади.

Ушбу модулда сиз турли хил ўқитиш усулларидадан фойдаланишингиз мумкин, масалан:

- муҳокама – хавфсизлик масалалари бўйича синфларда ва кичик гуруҳлардаги муҳокама.
- индивидуал ёки гуруҳий тақдимотлар;
- омборнинг реал муаммолари билан боғлиқ кейс-стади;
- омбор фаолияти билан боғлиқ ОАВ ва журналлардаги мақолалар;
- механик ва қўлда кўтариш ускуналарининг фотосуратлари.

Гуруҳда ишлаш бу ўқитишнинг мақбул шакли ҳисобланади, аммо сиз ҳар бир талаба баҳолаш учун етарли бўлган ўз далилларини тақдим этганига ишонч ҳосил қилишингиз керак.

Ушбу модулни ўқитиш жараёни учун сиз маҳаллий иш берувчиларни жалб қилишингиз мумкин, масалан:

- таклиф этилган спикерлар
- кейс-стади ва мисоллар учун асос сифатида ўқувчиларни бизнес-материаллар ва меҳнат амалиёти билан таъминловчилар
- ўқувчилар учун мураббийлар.

Модулнинг бошланиши

Сизга модулни ўрганишнинг битта усули учун бошланғич нуқта берилади. У спецификацияда келтирилган, тавсия этилган баҳолашга нисбатан ёндашувга асосланган.

3-модул: Омбор жараёнларини бошқариш
Кириш Ўқувчиларни модул билан таништиришни гуруҳ муҳокамаси орқали бошланг. Бунга модулнинг ўқув мақсадлари баёни ҳамроҳ бўлиши мумкин.
А ўқитиш мақсади: Товарларни қабул қилиш, сақлаш ва ташиш пайтида, омборга жойлаш ва сақлаш тизимлари ҳамда жараёнларини тушуниш
<ul style="list-style-type: none">• Товарларнинг омборга қандай етиб келишини намоиш қилиш орқали кириш қисмини бошланг. Хужжатларнинг наъмуналарини кўрсатиб, манбаларларга бўлган талабларни ва жўнатмаларни қандай текшириш ва рўйхатга олишни муҳокама қилинг.• Синфда, кенг тарқалган хатолар тўғрисида муҳокама ўтказинг, сўнгра уларни юзага келтириши мумкин бўлган сабаблар ва уларни қандай аниқлаш мумкинлиги тўғрисида биргаликда иш олиб боринг.• Омбордаги сақлаш жойларни тўғри тайёрлашнинг муҳимлигини ва биринчи қабул қилинган, биринчи юборилган ФИФО/ охириги қабул қилинган, биринчи юборилган ЛИФО тизимлардан фойдаланиш сабабларини тушунтиринг.• Гуруҳга амалий жараёнларга ўтишга рухсат беришдан олдин кўтаришнинг тўғри жараёнларини кўрсатиб беринг ва СИЗ нинг турли хил кўринишлари ва улардан тўғри қўлланишни муҳокама қилишдан олдин уларнинг техникаси тўғрисида тақриз беринг.• Хужжатлардан намуна ҳамда шароитлар, захиралар ва маълумотларни қай ҳолда кузатишни кўрсатган ҳолда комплектациянинг тўғри усуллари ва мижозлар буюртмалари билан ишлаш учун керакли маълумотни тушунтиринг.• Гуруҳда қадоқлаш материалларининг вазифаси, уларнинг белгилари ва хавфсизлигига бўлган талаблар тўғрисида муҳокамани бошлашдан олдин улардан намуналар кўрсатинг.• Аудитнинг турли хил усуллари ва уларга белгиланган мақсадни тушунтиринг.

3-модул: Омбор жараёнларини бошқариш**В ўқитиш мақсади: Омборга жойлаш ва сақлаш**

- В ўқув мақсади ва унинг А ўқув мақсади билан боғлиқлигини кўрсатиб беринг.
- Ҳаётий сценарийларда доимий такомиллашув цикли ва SMART мақсадларидан фойдаланишни енгиллаштиришдан олдин уларни намойиш этинг.
- Иш омборини кўздан кечириш учун саволлар ва кузатувларнинг назорат рўйхатини тузишда ёрдам беринг.
- Иш омборига ташриф буюринг.
- Нотўғри кўтариш техникасининг таъсирини тушунтиринг ҳамда кўтариш ускунаси ва унинг кўтариш билан боғлиқ бўлган талабларини гуруҳда тадқиқ қилишга кўмаклашинг.
- Ўқувчиларга хавфни баҳолашни тушунтиринг ва уларга омборда кўп учрайдиган хавфли ҳолатларни баҳолашни амалга оширишга имкон беринг.
- Манбалардан самарали фойдаланишни муҳокама қилишга кўмаклашинг.

С ўқитиш мақсади: Стратегик инноватсияларнинг ёндашуви ва вариантларини тушуниш

- С ўқув мақсади ва унинг А ва В ўқув мақсадлари билан боғлиқлигини кўрсатиб беринг.
- Ўқувчиларнинг Интернетдан фойдаланган ҳолда турли хил омборлар, уларнинг турлари, ҳар бирининг мақсади кучли ва заиф томонларини мустақил равишда ўрганишларига кўмаклашинг, сўнгра жараённи синфда муҳокама қилинг.
- Хавфсизликни бузиш оқибатларини муҳокама қилишга ўтишдан олдин захиралар ва маълумотлар хавфсизлигини сақлашнинг муҳимлигини тушунтириб ўтинг.
- Таклиф этилган спикер учун саволлар рўйхатини тузинг.

ВТЕСнинг бошқа модуллари ва малакаларига ҳаволалар

Мазкур модул ушбу малакадаги қуйидаги модул билан боғланган:

- 2-модул: Омбор муҳитида жамоани бошқариш ва назорат қилиш

Ресурслар

Китоблар

Christopher, M. – *Logistics and Supply Chain Management*, fifth edition, FT Publishing International(2016), ISBN-13: 9781292083797

Richards, G. – *Warehouse Management*, third edition, Kogan Page (2017), ISBN-13: 9780749479770

Dani, S. – *Food Supply Chain Management and Logistics: From Farm to Fork*, Kogan Page (2015), ISBN-13: 9780749473648

Веб-сайтлар

www.supplychain247.com/article/11_warehouse_operations_best_practices

Ушбу мақолада омбор хўжалигидаги энг яхши тажрибалар баён этилган.

<https://supplychainminded.com/category/warehouse-and-transportation-articles/>

Мазкур сайтда бу мавзуга оид бир қатор қизиқарли мақолалар мавжуд.

www.tes.com/teaching-resource/sectors-of-industry-3004255

Соҳанинг уч асосий субсекторларини тушунтириб берувчи оддий тақдимот.

www.themanufacturer.com/articles/what-does-the-automated-warehouse-of-the-future-look-like/

Автоматлаштиришни текшириш ва келажак омборлари.

Pearson ҳар қандай ташқи интернет-сайтларнинг мазмуни учун жавобгарликни зиммасига олмайди. Ўқитувчилар ҳар бир веб-сайтни синфда ишлатишдан олдин унинг URL-манзили ҳали ҳам аниқ, актуал ва ўринли эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун, уни олдиндан кўриб чиқишлари жуда муҳимдир. Биз ўқитувчиларга фойдали веб-сайтларни белгилашни ва ўқувчиларга уларга мактаб/коллеж интернетини орқали киришни таклиф қилишни тавсия қиламиз.

Иш схемаси

Модул	3 – Модул: Омбор жараёнларини бошқариш
Ўқув соатлари	90
Дарслар сони	20
Дарслар давомийлиги	4.5 соат
Бошқа модулларга ҳаволалар	2-модул: Омбор муҳитида жамоани бошқариш ва назорат қилиш

Ўқитиш учун калитлар			
ЁМТ	Ёзма мустақил топшириқ	ММ	Материални мустаҳкамлаш
ТЭС	Таклиф этилган спикер	Т	Ташриф
МЎ	Мустақил ўқитиш	ИТ	Иш тажрибаси

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
1	<p>Модулга кириш</p> <p>Товарларни қабул қилиш усуллари (тизим ва жараёнлари)</p> <p>Ҳисобот тақдим этиш – кимга, қандай, нима учун хабар қилиш (жараёнлар)</p>		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқитувчи модулни тақдим этади. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқитувчи омбордан товарни қабул қилиш билан биргаликда уларга тайёргарлик кўриш, тизим ва жараёнларга бўлган талабларни ҳам ўргатади. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқитувчи кўчириб олиш, текшириш ва назорат қилиш усулларини тушунтиради. • Синфдаги муҳокама: ўқувчилар тўғри текширув усулларнинг муҳимлигини ҳамда нотўғри усулларни қўллашнинг мавжуд натижаларини муҳокама қилишади. • Жуфликда бажариладиган машқлар: ўқувчилар ҳужжатлаштиришни муҳокама қилишади ва типик хатоларни аниқлашади. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқитувчи етказилган юкни юк ҳужжатлари ва ҳисоботларни тайёрлаш жараёнлари билан мослигини текшириш билан таништиради. • Дарсни мустаҳкамлаш: ўқитувчи ўзлаштирувни текшириш мақсадида савол – жавоблардан фойдаланади. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Ҳужжатлар ва йўлланмалар намуналари.</p> <p>Йўлланмаларни текширишнинг турли хил усуллари.</p> <p>[Изоҳ: кейинги манбалар омборга боришдан ташқари барча мавзуларда фойдали бўлади.]</p> <p>Флипчарт/“ақлли” доска каби ёзиб олиш усули.</p> <p>Интернетга уланган компьютерлар.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
2	<p>Омбор заҳираси</p> <p>Товарларни қайта ишлаш</p> <p>Индивидуал ҳимоя воситалари (ИХВ)</p> <p>Маълумотларни сақлашнинг автоматлаштирилган тизимлари</p>		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқитувчи охириги дарс мазмунини такрорлаш учун савол- жавоблардан фойдаланади. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқитувчи товарларни қабул қилиш, сақлаш ҳамда омборхона билан боғлиқ барча жиҳатлар ҳақида муҳокама олиб боради. • Ўқитувчи тақдимоти ва гуруҳ машқлари: ўқитувчи юкларга қўлда ишлов беришнинг тўғри усулларини тақдим этади, кейин эса ўқувчиларнинг бир бири билан тажриба ва мулоҳазалар алмашаётганини кузатади. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқувчилар ИХВ турларини аниқлайдилар ва қўллайдилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқитувчи: <ul style="list-style-type: none"> ○ электр транспорт воситалари (ЭТВ) тизимлари; ○ бошқа автоматлаштирилган сақлаш ва қидириш тизимларидан қандай фойдаланишни тушунтиради. • Дарсни мустаҳкамлаш: ўқитувчи ўзлаштирувни текшириш мақсадида савол – жавоблардан фойдаланади. • Дарсдан ташқари мустақил ишлар ўқувчилар автоматлаштирилган сақлаш тизимларини ўрганадилар. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Ҳужжатлар намунаси.</p> <p>Кўтариш учун бўш қутилар.</p> <p>Юк ташиш қурилмаларининг расмлари.</p> <p>Танланган ИХВ.</p> <p>Омборхонанинг технологик тизимлари расмлари.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
3	<p>Тўплам</p> <p>Мижоз буюрмаларини қайта ишлаш</p> <p>Мижозларнинг буюртмаларини тўплаш</p> <p>Қадоқлаш ва жўнатиш</p> <p>Аудит</p>		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқитувчи олдинги дарсни такрорлайди. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқитувчи сақлаш тизимларидан тортиб то жўнатувга қадар ҳамда омборхонага жойлашнинг турли жиҳатлари орасидаги ўзаро алоқани муҳокама қилади. • Ўқитувчи тақдимоти: ўқитувчи ускуналарни бутлаш ва танлашнинг тўғри усулларини, шунингдек хотирани мониторинг қилиш ва янгилаш усулларини тақдим этади. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқитувчи миждоз буюртмаларини қайта ишлашнинг самарали усулларини тушунтиради. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқитувчи аудитнинг мақсади ва турларини тушунтиради. • Синфдаги муҳокама: ўқувчилар барча тизим ва жараёнларнинг қай тарзда ўзаро боғлиқлигини муҳокама қилишади. • Дарсни мустаҳкамлаш: ўқитувчи ўзлаштирувни текшириш мақсадида савол-жавоблардан фойдаланади. • Дарсдан ташқари мустақил ишлар ўқувчилар баҳо учун иш дафтарида 1-топшириқни қайта кўриб чиқадилар. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Баҳолаш учун иш дафтари.</p> <p>Ҳужжатлар намунаси.</p> <p>Юк ташиш қурилмаларининг расмлари.</p> <p>Қадоқлаш материалларининг намуналари.</p> <p>Жараёнларнинг блок-схемаси.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
4	Товарларни қабул қилиш, сақлаш ва жўнатиш учун омборхонанинг тизим ва жараёнларини тушуниш. Баҳолаш машқи	ЁМТ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқитувчи олдинги дарслар бўйича хулоса қилади ҳамда баҳолаш учун иш дафтарига бўлган талабларни тушунтиради. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқитувчи ўқувчиларнинг омбордаги тизим ва жараёнларни ўзлаштирувини баҳолаш мақсадида савол-жавоблардан фойдаланади. • Баҳолаш машқлари: ўқувчилар 1-топшириқни бажарадилар. • Дарсдан ташқари мустақил ишлар ўқувчилар бизнес самарадорлигини ошириш усулларни ўрганадилар. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Баҳолаш учун иш дафтари.</p> <p>Ҳужжатлар намунаси.</p> <p>Юк ташиш қурилмаларининг расмлари.</p> <p>Жараёнларнинг блок-схемаси.</p> <p>Қадоқлаш материалларининг намуналари.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
5	Узлуксиз ривожланиш даври		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқитувчи олдинги дарсни такрорлайди. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: ўқитувчи ўқувчилар учун узлуксиз ривожланиш даврини ва унинг қўлланилишини тақдим этади. • Синфдаги муҳокама: ўқувчилар узлуксиз ривожланиш даврини иш муҳитида қўллашни муҳокама қиладилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: ўқитувчи SMART мақсадларини узлуксиз ривожланиш даврига нисбатан қўллашни тақдим этади. • Гуруҳ машқлари: ўқувчилар савол ва кузатувлар назорат рўйхатига киритиш учун омборга ташриф этиш ҳужжатларини яратадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқитувчи назорат рўйхатини, ҳужжатлар билан биргаликда ташриф буюрган ташкилотларни маъқуллайди. • Дарсни мустаҳкамлаш: ўқитувчи ташриф учун ташкилотларни маъқуллаш мақсадида савол-жавоблардан фойдаланади. • Дарсдан ташқари мустақил ишлар ўқувчилар ўз SMART мақсадларини белгилайдилар. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Баҳолаш учун иш дафтари.</p> <p>Ташриф бўйича ҳужжатлар.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
6	Омборга ташриф	В	<ul style="list-style-type: none"> • Умумий машқ: ўқитувчи ва ўқувчилар ҳақиқий омборга ташриф буюрадилар ва экскурсия ўтказалар. Ўқувчилар нимани кўрганликлари ҳақида қайдлар қилиш учун ва саволлар бериш учун 5-дарсда кўрсатилган назорат рўйхатидан фойдаланадилар. 	Омборга рухсатнома. Олдинги дарсда тузилган ташрифнинг назорат рўйхати.
7	Асбоб-ускуналардан хавфсиз фойдаланиш		<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқувчилар омборда таълим жараёнини муҳокама қиладилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: ўқитувчи юкларга қўлда ишлов бериш усуллари(ЮҚИУ)ни кўрсатади. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: юкларга қўлда ёмон ишлов бериш натижаларини муҳокама қилинг. • Кичик гуруҳлардаги машқ: ўқувчилар товарларни ташишда қўлланиладиган турли хил ускуналарни танлайдилар ва ўрганадилар ҳамда натижаларни синфда тақдим этадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: асбоб-ускуналар учун хавфсизлик талабларини муҳокама қилинг. • Дарсни мустаҳкамлаш: ўқитувчи дарсни ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш учун савол-жавоблардан фойдаланади. 	Омборга ташрифнинг назорат рўйхати. Модул спецификацияси. ЮҚИУни кўрсатиш учун ускуна. Юкларга қўлда ёмон ишлов бериш натижасида олинган потенциал жароҳатларни кўрсатувчи расмлар. Ортиш ва тушириш ускуналари ҳамда хавфсизлик белгилари расмлари.

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
8	Хавфсиз ва самарали муҳитни сақлаш		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқитувчи олдинги дарсни такрорлайди. • Синфдаги муҳокама: хавфсизлик, ишончли ва самарали иш муҳитини (ташриф пайтидаги кузатувларга кўра) таъминлаш сабабларини муҳокама қилинг • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқитувчи хавфсиз ва самарали муҳитни таъминлаш учун (ташриф пайтидаги кузатувларга кўра) усқунани жорий таъмирлашнинг мақсад ва аҳамиятини тушунтиради • Дарсни мустаҳкамлаш: ўқитувчи ўзлаштирувни текшириш мақсадида савол-жавоблардан фойдаланади. • Дарсдан ташқари мустақил ишлар ўқувчилар самарасиз иш муҳитининг атроф-муҳитга таъсирини ўрганадилар. 	
9	Хавф-хатарларни баҳолаш		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқитувчи охириги дарс бўйича хулосаларни ўтказди ва уларни хавфларни баҳолаш билан боғлайди. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқитувчи хавф-хатарларни баҳолаш ва аниқлашнинг зарурлигини ва мақсадини кўрсатади. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: ўқитувчи омбор муҳитида фойдаланиладиган назорат элементлари иерархиясини тақдим этади. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: ўқитувчи хавф-хатарларни қандай баҳолашни кўрсатади. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Хавф-хатарларни баҳолаш шакли.</p> <p>Реал хавф-хатар мисоллари.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Гуруҳ машқлари: ўқувчилар хавф-хатарни баҳолайдилар. • Жуфликда бажариладиган машқлар: ўқувчилар реал хавф-хатарлар асосида хавфларни баҳолашни тугатадилар, кейин хавфларни баҳолаш тугатилган гуруҳга қайтадилар. • Дарсни мустаҳкамлаш: ўқитувчи ўзлаштирувни текшириш мақсадида савол-жавоблардан фойдаланади. • Дардан ташқари мустақил ишлар ўқувчилар хавф-хатарни баҳолашни машқ қиладилар. 	
10	Манбалардан самарали фойдаланиш		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқитувчи олдинги дарсни такрорлайди. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: ўқитувчи манбалардан қандай самарали фойдаланилади, ҳамда бунинг молиявий ва иқтисодий сабаблари ҳақида сўзлаб беради. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқитувчи турли хил ресурслар, уларнинг ишлатилиши ва хавфсиз утилизация қилиниши ҳақида тушунтиради. • Гуруҳ машқлари: ўқувчилар манбалардан самарали фойланиш бўйича мониторинг ва назорат қилиш усулларини ўрганадилар, кейин эса уларни синфга тақдим этадилар. • Дарсни мустаҳкамлаш: ўқитувчи ўзлаштирувни текшириш мақсадида савол-жавоблардан фойдаланади. 	Модул спецификацияси. Тақдимот слайдлари. Расмлар.

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Дарсдан ташқари мустақил ишлар ўқувчилар таъминот занжирининг атроф-муҳитга таъсирини ўрганадилар. 	
11	Тақдимот кўникмалари	МУ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқитувчи 2-топшириқ бўйича қисқача маълумот беради. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: ўқитувчи тақдимот кўникмалари бўйича тақдимот ўтказади. • Гуруҳ машқлари: ўқувчилар 2-топшириқни муҳокама қиладилар. • Кичик гуруҳлардаги машқ: ўқувчилар хавф-хатарни баҳолаш бўйича тақдимот тайёрлайдилар ва уларни синфга тақдим этадилар. • Дарсни мустаҳкамлаш: ўқитувчи ўзлаштирувни текшириш мақсадида савол-жавоблардан фойдаланади. • Мустақил машқ: ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг индивидуал шаклланишини текширади. • Дарсдан ташқари мустақил ишлар ўқувчилар 2-топшириқни кўриб чиқадилар. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Баҳолаш учун иш дафтари.</p> <p>Презентация.</p> <p>Интернетга уланган ва Microsoft PowerPoint® ёки шунга ўхшаш дастурий таъминотли компьютерлар.</p> <p>Проектор.</p> <p>Бажарилган ишларнинг кўчирмаси.</p> <p>Хавфни баҳолаш ҳужжатларининг намуналари.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
12	Баҳоловчи топшириқ	ЁМТ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқитувчи 2-топшириқ бўйича қисқача маълумот беради ва олдинги дарсни такрорлайди. • Баҳолаш машқлари: ўқувчилар 2-топшириқни яқунлашга тайёрланадилар. • Яқуний машқ: ўқитувчи иш дафтарларни йиғиб олади ва қайднома қандай тақдим этилишини тушунтиради. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Баҳолаш учун иш дафтари.</p> <p>Тақдимот яратиш учун дастурий таъминотли ҳамда интернетга уланган компьютерлар.</p>
13	Баҳоловчи топшириқ	ЁМТ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқитувчи 2-топшириқ бўйича изоҳ беради ва уни баҳолаш учун консультацияни тасдиқлайди. • Баҳолаш машқлари: талабалар тақдимотлар устида ишлаётган пайтда ўқитувчи ҳар бир ўқувчига консультация доирасида индивидуал изоҳ беради (қуйида машққа қаранг). • Кичик гуруҳлардаги машқ: консультациялар олиб борилаётган пайтда, ўқувчилар «ҳали ҳам ўқияпман» мавзусида тақдимот тайёрлайдилар. • Яқуний машқ: ўқитувчи хулоса қилади. • Изоҳ: агар ўқувчилар хавф-хатарни баҳолаш ва профессионал муҳокамани 12-дарсда тугатмаган бўлсалар, ушбу дарсда яқунлашлари мумкин. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Баҳолаш учун иш дафтари.</p> <p>Тақдимот яратиш учун дастурий таъминотли ҳамда интернетга уланган компьютерлар.</p> <p>Кузатув ҳужжати.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
14	Омбор жараёнларини бошқариш	ТЭС	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: ўқитувчи талабаларни таклиф этилган спикер мақсади билан таништиради • Гуруҳ машқлари: ўқувчилар таклиф қилинган спикернинг тайёргарлик жараёнини муҳокама қиладилар ва савол-жавоблар пайтида бериладиган саволлар ҳақида келишиб оладилар. • Таклиф этилган спикер тақдимоти: таклиф этилган спикер тақдимот қилади. • Гуруҳ машқлари: ўқувчилар таклиф этилган спикерга тайёрланган саволларни берадилар. • Дарсни мустақамлаш: ўқитувчи таклиф этилган спикер тақдимотининг асосий фикрларини умумлаштириш мақсадида савол-жавоблардан фойдаланади. 	<p>Таклиф этилган спикер.</p> <p>Тақдимот яратиш учун дастурий таъминотли компьютерлар.</p> <p>Проектор.</p>
15	Ҳисобот ёзиш		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқитувчи таклиф этилган спикер тақдимотининг асосий фикрларини кўриб чиқади. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: ўқитувчи 3-топшириқ учун, хусусан ҳисоботларни самарали ёзиш учун шартларни жорий этади ва ҳисоботларнинг мақсадларини тушунтиради. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Ҳисоботлар намуналари.</p> <p>Баҳолаш учун иш дафтари.</p> <p>Матнларни қайта ишлаш учун дастурий таъминотли ҳамда интернетга уланган компьютерлар.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Кичик гуруҳлардаги машқ: ўқувчилар долзарб мавзу бўйича қисқача ҳисобот тайёрлайдилар, кейин ҳар бир гуруҳ бошқа ҳисоботни ўқийди ва синфга изоҳ беради. • Дарсни мустаҳкамлаш: ўқитувчи талабаларнинг ўзлаштирувини текшириш мақсадида савол-жавоблардан фойдаланади. • Дарсдан ташқари мустақил ишлар ўқувчилар сақлаш усуллари кўриб чиқишади. 	
16	Заҳираларни сақлаш усуллари	МУ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқитувчи олдинги дарсни такрорлайди. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: ўқитувчи товарни қандай қилиб самарали қабул қилиш, сақлаш ва жўнатишни тушунтиради ҳамда олдинги машқ билан ўзаро алоқасини муҳокама қилади. • Мустақил ўқиш: ўқувчилар ҳар бир сақлаш усулини таққослаб, уларнинг афзалликлири ва камчиликларини таҳлил қилган ҳолда ўрганиш учун Интернетдан фойдаланадилар • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқувчилар тадқиқот натижаларини тақдим этадилар. • Дарсни мустаҳкамлаш: ўқитувчи талабаларнинг ўзлаштирувини текшириш мақсадида савол – жавоблардан фойдаланади. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Ўқитувчининг 1-4 дарслардаги қайдлари.</p> <p>Тақдимот.</p> <p>Баҳолаш учун иш дафтари.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
17	Заҳира ва маълумотларнинг хавфсизлиги		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқитувчи олдинги дарсни такрорлайди. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: ўқитувчи заҳира ва маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлашнинг аҳамиятини, шунингдек уларнинг иқтисодий ва ижтимоий оқибатларини тушунтиради. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқувчилар заҳира ва маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлашнинг аҳамиятини ҳамда усул ва натижаларни муҳокама қиладилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқувчилар томонидан дарсни тушунилаётганига ишонч ҳосил қилиш учун ўқитувчи узлуксиз яхшиланишларциклига қайтади (5-дарс). • Дарсни мустаҳкамлаш: ўқувчиларнинг дарсни қай даражада тушунаётганларини аниқлаш учун ўқитувчи саволлар ва жавоблар сессиясидан фойдаланади. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Баҳолаш учун иш дафтари.</p> <p>Тарқатма материаллар.</p> <p>Ўқитувчининг 5-дарсдаги қайдлари.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
18	Шарҳ сессияси	ЁМТ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқитувчи олдинги дарсни такрорлайди. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқитувчи 3-топшириқ билан таништиради. • Дарсни мустаҳкамлаш: ўқитувчи талабаларнинг ўзлаштирувини текшириш мақсадида савол-жавоблардан фойдаланади. • Мустақил таълим: ўқувчилар 3-топшириқни кўриб чиқадилар. • Баҳолаш машқлари: ўқитувчи бошқа ўқувчилар таълим олаётган пайтда ҳар бир ўқувчи билимининг ривожланишини алоҳида текширади. 	Модул спецификацияси. Баҳолаш учун иш дафтари. Ҳужжатлар намунаси.
19	Баҳолаш машқи	ЁМТ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқитувчи олдинги дарсни такрорлайди. • Такрорлаш: ўқитувчи ўқувчиларнинг ўзлаштирувини текшириш мақсадида савол-жавоблардан фойдаланади. • Баҳолаш машқлари: ўқувчилар 3-топшириқни якунлайдилар. • Якуний машқ: ўқитувчи шарҳлар қандай топширилишини тушунтиради. 	Модул спецификацияси. Баҳолаш учун иш дафтари.

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
20	Модул ҳақида умумий маълумот ва баҳолаш шарҳлари		<ul style="list-style-type: none"> • Баҳолаш машқлари: ўқитувчи ҳар бир талабани алоҳида баҳолайди. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқитувчи гуруҳ ривожланишига умумий шарҳ бериб ўтади ва унинг кучли томонларини келтиради. • Синфдаги муҳокама: ўқувчилар модулга фикр билдирадilar. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Баҳолаш учун иш дафтарлар.</p> <p>Баҳолаш ҳақида тақриз ҳужжатлари.</p> <p>Модул ҳисоблари.</p>

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 4-даража Омбор назорати соҳаси бўйича малакалар
Модул	3-модул: Омбор жараёнларини бошқариш
Дарс рақами	1 (4.5соат)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчиларни таништириш:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Модул 3 ва баҳолаш талаблари билан. • Товарларни олиш усуллари (тизим ва жараёнлар) билан. • Товарларнинг келиб тушишини назорат қилиш (тизим ва жараёнлар) билан. • Ҳисобот бериш, кимга қандай тушунтириш (жараёнлари) билан.
------------------------	---

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Модул спецификацияси. • Намунавий ҳужжатлар ва счёт-фактура. • Счёт-фактураларда текшириладиган турли хил предметлар. • Флипчарт/"ақлли" доска каби ёзиб олиш усули. • Интернетга уланган компьютерлар.
<p>Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФС: Форма шаблони; ТС: тақдимот слайди; БМ: баҳолаш машқи</p>	

Машқ	Ўқитувчи қайдлар
<p>Бошланғич машқ (30 дақиқа)</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи модул билан таништиради ва ушбу модул қамраб олган асосий мавзулар ҳақида умумий маълумот беради. • Ўқитувчи модулнинг баҳолаш жараёнини тушунтиради. • Ўқитувчи вазифалар ва тахминларни, шу жумладан модулнинг мазмунини, иш берувчиларнинг иштирокини ва плагиатни тушунтиради.
<p>Асосий машқ (225 дақиқа)</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи омборга товарларни қабул қилишни, шу жумладан ўқитиш талаблари, тизимлари ва жараёнларини намойиш этади. • Ўқитувчи қайд этиш, текшириш ва назорат қилиш усулларини намойиш этади. • Талабалар тўғри текшириш усулларининг аҳамияти ва нотўғри усулларнинг мумкин бўлган оқибатларини муҳокама қиладилар. • Талабалар ҳужжатларни муҳокама қилишади ва кенг тарқалган хатолар ҳақида айтишади. • Ўқитувчи ҳужжатлар ва ҳисобот жараёнлари бўйича етказиб беришни текширишни намойиш этади.
<p>Якуний машқ (15 дақиқа)</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи савол-жавоблардан фойдаланиб талабаларнинг тушунишларини баҳолайди .

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 4-даража Омбор назорати соҳаси бўйича малакалар
Модул	3-модул: Омбор жараёнларини бошқариш.
Дарс рақами	2 (4.5 соат)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчиларни таништириш:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Тўғри сақлаш, тозалаш ва тозалаш тартибининг аҳамияти билан. • Жойлаштириш / жойлашишни аниқлаш, назорат қилиш ва қайд этиш муҳимлиги билан. • Товарларга тўғри ишлов бериш билан – қўлда, ускуналардан фойдаланиш, тўғри усулни танлаш, ҳисобни юритиш билан. • Шахсий ҳимоя воситасидан (ШХВ) қандай фойдаланиш билан. • Сақлашнинг автоматлашган тизимлари билан.
------------------------	---

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Модул спецификацияси. • Интернетга уланиш имкони мавжуд компьютерлар. • Флипчарт/“ақлли” доска каби ёзиб олиш усули. • Ҳужжатлар намунаси. • Юк кўтариш қурилмасининг суратлари. • ШХВ танлови. • Кўтариш учун бўш яшиклар. • Омбор технологик тизимларининг сурати.
<p>Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФС: Форма шаблони; ТС: тақдимот слайди; БМ: баҳолаш машқи</p>	

Машқ	Ўқитувчи қайдлар
<p>Бошланғич машқ (30 дақиқа)</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи охириги дарсга ва унинг товарларни сақлаш билан қандай боғлиқлигига, шунингдек товарларни сақлаш омборга жойлаштиришнинг барча жиҳатлари билан қандай боғлиқ эканига хулоса ясайди.
<p>Асосий машқ (225 дақиқа)</p>	<ul style="list-style-type: none"> • (60 дақиқа) • Ўқитувчи захираларни сақлашда жойларнинг тоза ва тартибли бўлишининг муҳимлигини тушунтиради ҳамда намойиш этади. • Ўқитувчи товарларни олишда жойлашиш / ўрин эгаллашни намойиш этади ва «Биринчи Келиб тушди, Биринчи Жўнатилди (БКБЖ)» ва «Охирида Келиб тушди, Биринчи Жўнатилди (ОКБЖ)» каби тизимларни тушунтиради. (ППОП). Ўқитувчи мониторинг қилишни ва ёзувларни юритишни тушунтиради. • Ўқувчилар қайдларни бажарадилар. • (60 дақиқа) • Ўқитувчи Юклаш, Жисмоний шахс, Топшириқ, Атроф-муҳит ларни кўриб чиқиш учун МРОГ усулидан фойдаланиб қўлда ишлов беришнинг тўғри усуллари намойиш этади. • Ўқувчилар қайдларни бажарадилар. • Ўқувчилар бир-бирларига тақризлар бериш ва олиш орқали жуфтликларда МРОГ усулини амалда синайдилар. <hr/> <ul style="list-style-type: none"> • Танаффус (30 дақиқа) <hr/> <ul style="list-style-type: none"> • (60 дақиқа) • Ўқитувчи ускуналардан қачон фойдаланиш, кўтариш қурилмасининг ҳар хил турлари, улардан фойдаланиш ва ҳисоб юритишнинг муҳимлиги тўғрисида бахс-мунозара ўтказди. • Ўқувчилар ШХВ нинг ҳар хил турларини ва улардан қандай фойдаланишни муҳокама қиладилар. • Ўқувчилар қайдларни бажарадилар.

Машқ	Ўқитувчи қайдлар
	<ul style="list-style-type: none"> • (15 дақиқа) • Ўқитувчи суратларни кўрсатади ва электр транспорт воситасининг (ЭТВ) тизимини ҳамда сақлаш ва излашнинг бошқа автоматлашган тизимларини тушунтиради. • Ўқувчилар қайдларни бажарадилар.
Якуний машқ (15 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи саволлар ва жавоблардан фойдаланиб, ўқувчиларнинг тушунишларини баҳолайди.
Синфдан ташқари мустақил иш	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчилар сақлашнинг автоматлашган тизимларини ўрганадилар.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 4-даража Омбор назорати соҳаси бўйича малакалар
Модул	3-модул: Омбор жараёнларини бошқариш
Дарс рақами	3 (4.5 соат)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчиларни қуйидагилар билан таништириш:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Йиғиш билан. • Мижозларнинг буюртмаларига ишлов бериш билан. • Мижозлар буюртмаларини йиғиш билан. • Қадоқлаш ва жўнатиш билан. • Аудитнинг мақсади билан.
------------------------	---

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Модул спецификацияси. • Баҳолаш учун иш дафтари (ОУ). • Интернетга уланиш имкони мавжуд компьютерлар. • Флипчарт/"ақлли" доска каби ёзиб олиш усули. • Хужжатлар намунаси. • Юк кўтариш қурилмасининг суратлари. • Қадоқлаш материалларининг намуналари. • Жараёнларнинг блок-схемаси.
<p>Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФС: Форма шаблони; ТС: тақдимот слайди; БМ: баҳолаш машқи</p>	

Машқ	Ўқитувчи қайдлар
Бошланғич машқ (30 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Ўқитувчи охириги дарсни такрорлайди ва унинг товарни жўнатиш билан қандай боғлиқ эканини тушунтиради. Товарни жўнатишнинг омборга жойлаштиришнинг барча жиҳатлари билан қандай боғлиқ эканини муҳокама қилинг.
Асосий машқ (210 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> (30 дақиқа) Ўқитувчи товарларнинг ҳар хил турлари ва буюртмаларнинг ўлчамлари учун ускуналарни бутлаш ва қўллашнинг тўғри усулларини, шунингдек ёзувларни назорат қилиш ва янгилаш усулларини тушунтиради ва намойиш этади.
	<ul style="list-style-type: none"> (30 дақиқа) Ўқитувчи мижозлар буюртмаларига самарали ишлов беришни мониторинг қилиш учун зарур бўлган маълумотни тақдим этади.
	<ul style="list-style-type: none"> (30 дақиқа) Ўқитувчи мижозларнинг маълумотларини хавфсиз сақлаш, буюртмалар, текшириш соҳалари, омбордаги заҳиралар миқдори, қадоқлаш турлари, товарларнинг ҳолати ва юклашга нисбатан талаблар тўғрисидаги маълумотни текшириш ва назорат қилиш учун зарур бўлган маълумотни тақдим этади.
	<ul style="list-style-type: none"> (30 дақиқа) Танаффус.
	<ul style="list-style-type: none"> (45 дақиқа) Ўқувчилар қадоқлашнинг ҳар хил турлари ва уларнинг нимага мўлжалланганлигини, шунингдек белгилаш ва хавфсизлик бўйича талабларни муҳокама қиладилар.
	<ul style="list-style-type: none"> (45 дақиқа) Ўқитувчи аудитнинг мақсадлари ва турларини тушунтиради. Ўқувчилар барча тизимлар ўзаро қандай боғлиқ эканини муҳокама қиладилар.

Машқ	Ўқитувчи қайдлар
